

**"ТАСДИҚЛАНГАН"  
“Худудий электр тармоқлари” АЖ  
барча овоз берувчи оддий акциялари  
Ягона акциядорининг  
2023 йил 11 августдаги  
13/11-5-сонли қарори билан**

**“ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
ТОМОНИДАН ҲОМИЙЛИК ВА БЕҒАРАЗ ЁРДАМ КЎРСАТИШ  
ТҮҒРИСИДАГИ НИЗОМ**

**Тошкент шаҳри – 2023й.**

## **МУНДАРИЖА**

I.	УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.....	3
II	ХОМИЙЛИК ВА БЕГАРАЗ ЁРДАМ КҮРСАТИШ МИҚДОРИ ВА ЙЎНАЛИШИ (САРФЛАНИШИ).....	4
III	ХОМИЙЛИК ВА БЕГАРАЗ ЁРДАМ КҮРСАТИШ УЧУН АРИЗАЛАРНИ КҮРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ.....	4
IV	ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.....	5

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Ҳомийлик ва беғараз ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Низом (кейинги ўринларда Низом деб юритилади) “Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан ҳомийлик ва беғараз ёрдам кўрсатиш тартибини ва тамойлларини белгилайди.

1.2. Ушбу Низомда қуидаги атамалар қўлланилади:

**Беғараз (хайрия) ёрдам** – бу Жамият томонидан жисмоний ва юридик шахсларга беғараз ёки имтиёзли шартларда пул маблағларини ўтказиш (бериш), бепул ҳизматлар кўрсатиш ва ишларни бажариш ёки бошқа йўл билан қўллаб қувватлаш фаолиятини амалга оширилишидир.

**Ҳомийлик қилиши** – бу Жамият томонидан ҳомийлик қилинаётган шахснинг ҳисоб рақамига маблағлар (шу жумладан мулк шаклида) ажратиш ва Жамият тўғрисидаги рекламани жойлаштириш (тарқатиш) шарти билан ҳизматлар кўрсатиш.

**Жамиятнинг ҳомийлик ва беғараз ёрдам кўрсатииш бўйича бошқарув органи** (ижроия органи, Кузатув кенгаши ва акциядорларнинг умумий йиғилиши) (кейинги ўринларда “Ваколатли орган” деб юритилади) ҳомийлик ва беғараз ёрдам миқдорига қараб ҳомийлик ва беғараз ёрдам кўрсатиш бўйича ваколатли орган ҳисобланади.

1.3. Жамиятнинг ҳомийлик ва беғараз ёрдам кўрсатиш бўйича ваколатли бошқарув органи, ўз ваколатлари доирасида қуидаги миқдордаги суммалар бўйича ҳомийлик ва беғараз ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилиш юзасидан ваколатли ҳисобланади:

- Ижро этувчи орган умумий миқдори Ўзбекистон Республикасида Базавий ҳисоблаш миқдорининг (БҲМ) 10 000 баробаригача бўлган лекин Жамиятнинг олдинги ҳисбот йили натижалари бўйича олинган соф фойданинг З фоизидан ошмайдиган сўммалар бўйича ҳомийлик ва беғараз ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколатига эга;

- Жамият Кузатув кенгаши Ўзбекистон Республикасида Базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 000 баробаридан 100 000 баробаригача бўлган лекин Жамиятнинг олдинги ҳисбот йили натижалари бўйича олинган соф фойданинг З фоизидан ошмайдиган сўммалар бўйича ҳомийлик ва беғараз ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколатига эга;

- Жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши Ўзбекистон Республикасида Базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 000 баробаридан қўп бўлган лекин Жамиятнинг олдинги ҳисбот йили натижалари бўйича олинган соф фойданинг З фоизидан ошмайдиган сўммалар бўйича ҳомийлик ва беғараз ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколатига эга.

1.4. Жамият томонидан ҳомийлик ва беғараз ёрдам кўрсатиш Жамият Бизнес-режасининг ўтган ҳисбот давридаги соф фойдага таалукли қисми

кўрсаткичлари бажарилган тақдирдагина амалга оширилади.

1.5. Ҳар қандай юридик ва жисмоний шахс ҳомийлик ёки беғараз ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимоснома билан Жамиятга мурожаат қилишга ҳақли.

## **II. ҲОМИЙЛИК ВА БЕҒАРАЗ ЁРДАМ КЎРСАТИШ МИҚДОРИ ВА ЙЎНАЛИШИ**

2.1. Бир йил давомида кўрсатилган ҳомийлик ва беғараз ёрдамнинг умумий миқдори Жамиятнинг ўтган ҳисобот йилдаги натижалари бўйича олинган соф фойданинг З фоизи миқдордан ошиб кетишига йўл қўйилмайди.

2.2. Хар йили ажратиладиган ҳомийлик ва беғараз ёрдамнинг йўналишлари Жамиятнинг Бизнес режасида кўрсатилади.

2.4. Бизнес режада белгиланган доирада ва ушбу низомнинг 1.3.-бандида кўрсатилган миқдорларда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қарорлар Жамиятнинг тегишли ваколатли бошқарув органи томонидан қабул қилинади.

2.5. Агар ҳомийлик ва беғараз ёрдамнинг умумий суммаси Жамият Бизнес режасида акс эттирилган суммалардан ошса, ошган суммалар бўйича қарорлар миқдорига қараб Жамиятнинг Кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинади.

## **III. ҲОМИЙЛИК ВА БЕҒАРАЗ ЁРДАМ КЎРСАТИШ УЧУН АРИЗАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ**

3.1. Ҳомийлик ва/ёки беғараз ёрдам кўрсатиш бўйича қилинган мурожаат Жамиятга юридик ва жисмоний шахслардан почта орқали, электрон алоқа воситалари орқали ёки аризани Жамият девонхонасига шахсан тақдим қилиш йўли билан қабул қилинади.

3.2. Қабул қилинган аризалар рўйхата олингандан кейин Жамият ижроия органи раҳбарига кўриб чиқиш учун киритилади.

3.3. Ижро органи раҳбари келиб тушган мурожаатларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун Бошқарув аъзолари мажлисини чақиради. Бундай мажлислар заруратга қараб чақирилади.

3.4. Бундай мурожаат ва аризаларни кўриб чиқиш учун Жамият ижроия органи мажлисининг кворуми камида 75 фоиз бўлиши керак.

3.5. Ижро этувчи орган коллегиал тартибда ҳомийлик ва беғараз ёрдам

кўрсатиш ёки кўрсатиши рад этиш тўғрисида қарорларни қабул қиласи. Ҳар бир масала бўйича қарор мажлисда қатнашган барча аъзолар томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак.

3.6. Агарда, ҳомийлик ва беғараз ёрдам кўрсатиш бўйича қилинган мурожаат суммалари юзасидан қарорлар қабул қилиш Жамият Кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига кирадиган бўлса, унда Жамият Кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорлари лойиҳаси тайёрланиб, ваколатли бошқарув органи муҳокамасига киритилади.

3.7. Йиғилиш қарорига мувофиқ ўтказилган маблағларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлаш жамиятнинг Бош бухгалтерига юклатилади.

3.8. Ижро органи, Кузатув кенгаши ёки Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ ҳомийлик ва беғараз ёрдам кўрсатиш учун ўтказилган маблағларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлаш жамиятнинг бош ҳисобчиси зиммасига юкланади.

#### **IV. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

4.1. Жамият томонидан кўрсатилаётган ҳомийлик ва ёки беғараз ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги маълумотлар Жамиятнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади. Бундай маълумотларни жойлаштириш тижорат сирлари ва ёки маҳфий маълумотларнинг талабларига мувофиқ амалга оширилади.

4.2. Мазкур Низом ҳамда унга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

4.3. Ўзбекистон Республикасиниг қонунчилигига ўзгартеришлар киритилиши натижасида ушбу Низомнинг айрим бандлари билан зиддиятлар юзага келган тақдирда, мазкур бандлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тегишли ўзгартеришлар киритилгунга қадар ўз кучини йўқотади.

4.4. Қонунчиликка ўзгартеришлар киритилиши натижасида ушбу Низомга ўзгартериш киритиш зарур бўлган тақдирда, киритиладиган ўзгартеришлар кучга киргунга қадар Жамият томонидан ҳомийлик ва беғараз ёрдам кўрсатиш амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.